

## Қабулдаги фаоллик

Ўзбекистон Ёшлар иттифоқининг Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтидаги бошланғич ташкилотида институт раҳбариятининг таклифига кўра 2019-2020-ўқув йилига абитуриентларни қабул қилиш учун кўмаклашувчи «Ёшлар иттифоқи фаол талабалар гуруҳи» фаолияти 20 июндан йўлга қўйилди. Ишчи гуруҳнинг фаолият олиб бориши учун раҳбарият томонидан барча зарурий шароитлар яратиб берилди. Эндиликда абитуриентларни қабул жараёни бўладиган ҳудудга йўналтириш, уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, қабул жараёнига кўмаклашиш, абитуриентлар ва уларнинг оила аъзоларига қулайлик яратиб бериш, институтда ички тартиб-қоидаларни, тартиб-интизомни сақлаш каби вазифаларни институт ёшлар иттифоқи етакчиси бошчилигида қабул жараёни тугагунча бажариб боришади. Сиз абитуриентмисиз агарда институтда мана шу каби формали йигитларни кўрсангиз мурожаат қилинг! Албатта, ҳудудни топишингизда, овқатланиш шаҳобчалари йўналишларини ҳамда бошқа қулайликларни топишда сизга кўмаклашадилар.



**Институт матбуот котиби Раҳимбой Жуманиёзов**